КПСС МК ПЛЕНУМИ ШАРАФИГА

# ОБЛАСТИМИЗ 250 МИНГ ТОННА ПАХТА ТАЙЁРЛАДИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-йил чиқиши
№ 198 (1460)
7 ОКТЯБРЬ ЧОРШАНБА 1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

**КПСС XXI съезди Ватанимиз коммунизм қуришни кенг авж олдириш даврига киришини бошлаб берди. Совет Иттифоқи халқлари! Бутун куч, бутун ғайрат — коммунистик қурилишнинг улуғ вазифаларини бажаришга қаратилсин!**

**Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Мамлакатимиз экономикасини ва маданиятини тағин ҳам зўр куч билан юксалтиришга, социалистик Ватан қудратини янада мустаҳкамлашга эришайлик! Коммунизм қуришда янги ғалабалар сари, олға!**

(Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллигига КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).

Германия Демократик Республикасининг президенти

ўртоқ Вильгельм ПИККА

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

ўртоқ Вальтер УЛЬБРИХТГА

Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг раиси

ўртоқ Отто ГРОТЕВОЛЬГА

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Сизларни шонли юбилей билан — Германия Демократик Республикаси тузилганлигининг 10 йиллиги билан самимий қутлайдилар.

Ишчи-деҳқон давлатининг ўн йиллиги фақат немис халқининггина катта байрами эмас. Бу тарихий кунни Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларига тинчлик, демократия ва социализм учун курашда чин кўнгилдан янги катта муваффақиятлар тиловчи совет халқи, шунингдек барча тинчликсевар халқлар ҳам тантанали равишда нишонламоқдалар.

Германия Демократик Республикаси мавжуд бўлган 10 йил мобайнида герман халқи бутун прогрессив кучларининг ғарбий герман милитаризми ва реваншизми тикланишига қарши олиб бораётган курашларида уларнинг қудратли таянчига айланди. Янги уруш ҳавфига қарши изчиллик билан кураш олиб бориб, Германия Демократик Республикаси Европада тинчлик ва хавфсизликнинг муҳим фактори бўлиб қолди, бутун дунёдаги тинчликсевар кучларнинг жуда катта ҳурматига сазовор бўлди.

Герман ишчилар синфининг жанговар авангарди бўлган Германия Бирлашган социалистик партияси етакчилигида Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари ўтган 10 йил мобайнида социалистик қурилиш соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Бу муваффақиятлар ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг зўр бериб ва фидокорона қилган меҳнати натижаси, демократик партиялар ҳамда Демократик Германия ватанпарвар миллий фронти оммавий ташкилотларининг мустаҳкам ҳамкорлиги натижаси, Германия Бирлашган социалистик партиясининг тўғри сиёсати натижаси бўлди.

Германия Демократик Республикасининг Европада тинчликни мустаҳкамлаш учун, Германия билан сулҳ шартномаси тузиш учун, Ғарбий Берлинда умри тугаган оккупация режимини йўқотиш учун, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини кескин равишда юксалтириш учун тинмай олиб бораётган кураши бутун немис халқининг ҳаётий манфаатларига мос келади ҳамда миллий вазифни ҳал этишга — Германияни тинчликпарварлик ва демократик асосда бирлаштиришга ёрдам беради.

Мамлакатларимиз ўртасида халқларимизнинг катта тарихий ғалабаси бўлган қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари вужудга келганлиги ва ривожланаётганлигини хурсандчилик билан қайд қиламиз. Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари бу дўстликни жуда қадрлайдилар ҳамда бундан буён ҳам уни бутун чоралар билан мустаҳкамлай берадилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, ССР Иттифоқи Министрлар Совети, бутун совет халқи Сизларга ва Германия Демократик Республикасининг барча меҳнаткашларига социалистик қурилишда, Германия Бирлашган социалистик партияси V съезди томонидан қўйилган вазифаларни амалга оширишда, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ишида, Европада ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик учун курашда янгидан-янги катта муваффақиятларга эришиш учун энг самимий тилакларини йўллайдилар.

Яшасин ва яшнасин Германия Демократик Республикаси!

Яшасин Германия Демократик Республикаси ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги абадий ва бузилмас дўстлик!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи Секретари, СССР Министрлар Совети Раиси Н. ХРУШЧЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

1959 йил, 6 октябрь.

## Саодатхон, Назирахоннинг сўзларини эшитинг!

Ўртоқ Назира ЙЎЛДАШЕВА.

Август ойида Назира Йўлдошева Тошкентга жўнади. У ҳеч қачон бунчалик тўлқинланмаган, бунчалик ҳаяжонга тушмаган эди. Тошкентга областдаги ман-ман деган теримчилар, Саодат Гулаҳмедова сингари Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари йиғилган эди. Назира улар ўртасида ийманибгина ўтирди.

Дарҳақиқат ҳозиргача Саодат Гулаҳмедова сингари ҳеч ким кўп пахта тера олмаган. 30 тонна пахта териш айтишга осон. Бу ерда чевар теримчилар ўзаро суҳбатлашиб бир-бирларини мусобақага чақирдилар. Саодат ҳаммадан олдин минбарга чиқиб, бу йил 35 тонна пахта тераман деб мажбурият олди. Ундан кейин мажлис раиси Саодатнинг бу чақириғини ким қабул қилади деб, мурожаат қилди. Лекин ҳеч ким Саодат билан беллашишга бирдан ботинмасди. Залда анчагача жимлик ҳукм сурди. Мажлис раиси қайта мурожаат қилиб: «Ким бу чақириқни қабул қилади», деб сўради. Ўшанда ҳеч қачон бундай мажлисларда сўзламаган Назира Йўлдошева ўрнидан туриб минбарга кўтарилди ва ҳаяжон билан гапира бошлади:

— Мен ўтган йили 20 тонна пахта терган эдим, бу йил Саодат опамнинг чақириғига қўшилиб, мавсумда 30 тонна пахта теришга ваъда бераман.

Назира гулдурос чапаклар остида ўз ўрнига келиб ўтирганини ҳам билмади. Унинг юзлари оловдай ёнар, ҳаяжондан бошланган титроғи ҳали босилмаган эди. У ёнида ўтирган қизга «кўпчиликнинг ўртасида гапириш қийин бўлар экан» деб қўйди.

Ўша куни бутун теримчиларга қарата йигирма қизнинг хати ёзилди. Унга Назира ҳам қўл қўйди. Назиранинг сурати ҳам газетада босилиб чиқди. Энди ҳамма гап олган ваъдани бажаришда қолган. Назира ўзича кўпчилик олдида сўз бериб, бажармай бебурд бўлишдан ёмон нарса йўқ, сўз бердингми, бажар деб ўйларди.

Меҳнатсевар, камтар бу қиз ҳамиша ўз ваъдасини бажариб эл олдида юзни ёруғ қилиш, 3 миллион 50 минг тонна пахта тайёрлашда ўз улушини қўшиш тўғрисида ўйларди. Агар сиз айни пайтда Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхозга бориб қолсангиз Назира Йўлдошеванинг номини ҳамма фахрланиб тилга олади.

— Назирахон кеча бир кунда 405 килограмм пахта терди.

— Чамамда бизнинг Назирахон бу йил Саодат Гулаҳмедовага етиб олади, барака топсин, кўп қобил бола чиқди, — дейишади.

Биз Назира Йўлдошевани 9- бригадада пахта териб турган пайтда учратдик. У билан ёнма-ён юриб суҳбатлаша бошладик. У пахта теришни тўхтатмаган ҳолда сўзлар, бизнинг саволларимизга жавоб берар эди.

— Биз баъзан радиоларда уста теримчиларнинг сўзини эшитиб қоламиз. Улар «мен пахтани тепадан пастга, пастдан юқорига қараб тераман» дейдилар. Сиз қандай терасиз? — сўрадик.

— Агар мен ўшаларга ўхшаб пахта терсам, икки чаноқдаги пахтани кам терган бўламан. Пахта тераман деган киши паст-баландини суриштириб ўтирмайди. Ахир ғўзадаги пахталар бир хил эмас-ку, энг яхшиси тезроқ, чаққонроқ ҳаракат қилиш керак, — деди Назира.

Биз хайрлашиб кетмоқчи бўлган эдик, Назира бир илтимос қилиб қолди.

— Мен Саодат онам билан мусобақадошман, ҳозиргача ўн тонна пахта тердим, бир ўн кунликда 865 сўм пул ишлабман. Кунига 9—10 меҳнат куни ишлаб турибман. Олган мажбуриятимнинг учдан бирини бажардим. Шу ҳақда у кишига хат ёзай десам, тўғриси вақтимни қизғанаман. Иложи бўлса шуни Саодат опамга хабар қилиб қўйсаларингиз. Мен албатта мажбуриятимни бажараман.

Шундай олижаноб, шундай меҳнатсевар моҳир теримчи қизнинг сўзини ерда қолдириб бўладими. Майли унинг бу сўзларини фақат Саодат Гулаҳмедовагина эмас, ҳамма эшитсин, ҳамма қувонсин ва фахрлансин.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

## Янгийўлнинг илгариги шуҳрати қайта тикланиши керак

Илгарилари Янгийўл райони пахтакорлари пахтадан мўл ҳосил етиштириш соҳасида областдагина эмас, балки республикада ҳам олдинги ўринларнинг бирида турарди. Аммо кейинги икки йил ичида район колхозларида ҳосилдорлик анча камайиб кетди. Шуни ҳисобга олиб, бу йил пахтакорлар ҳосилдорликни кескин ошириш учун қатъий кураш бошладилар. Пахта ҳосили йиғиб-териб олинаётган ҳозирги кунларда далаларда иш айниқса қизғин тус олди. Ҳамма ерда 100 тонначи механизаторлар ҳаракати кучайтирилди. Натижада кўп механик-ҳайдовчилар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун астойдил курашиб, шу кунгача 30—40 тоннадан, ҳатто ундан ҳам ошириб пахта тердилар. Киров номли колхознинг Б. Шеремет, П. Иванов ўртоқлар сингари механизаторлари ана шулар жумласидандир.

Сталин номли гигант хўжаликда ҳам йиғим-терим мавсуми уюшқоқлик билан ўтказилаётир. Колхозда кунига 200—250 килограммдан пахта тераётган чевар теримчилар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Аммо шундай бўлишига қарамай, Янгийўл райони пахта тайёрлаш соҳасида орқада судралиб қолаётир. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Кўп хўжаликларда ўз районларининг аввалги шуҳратини тиклаш учун астойдил кураш олиб борилаётган бўлса ҳам, айрим колхозларда бу ишга етарли эътибор берилмаётир. Машина терими раҳбарлар эътиборидан четда қолиб кетмоқда. Барча ишчи кучларидан унумли фойдаланилмаётир. Сентябрь ойида район бўйича графикда белгиланган 800 тонна ўрнига машина билан фақат 500 тоннадан ортиқроқ пахта терилгани бунинг мисоли бўла олади.

Шуни ҳам айтиш керакки, районда машина теримига пухта тайёргарлик кўрилмади. Терим бошлангандан кейин эса тайёрлаб қўйилган 57 та пахта териш машинаси тезлик билан ишга тушириб юборилмади. Шунингдек, ишлаб турган машиналарнинг ҳам унумли ишлаши таъминланмади. Ғўза баргини тўкиш ишлари ҳам кўп ерларда пайсалга солинди. Ана шу сабабларга кўра ҳозирги кунда давлатга эндигина 25—30 процент пахта топширган бригадалар анчагина топилади.

Пахта териш ва давлатга сотиш соҳасида айниқса «XXI партсъезд» колхозининг айрим бригадалари орқада судралиб қолмоқда. Масалан, шу хўжаликнинг ўртоқ Я. Абдуқодиров бошлиқ бригадаси сентябрь ойида 10 процентдан ҳам камроқ пахта тайёрлади. «Шарқ юлдузи» колхозининг Н. Қобилов, Т. Боймирзаев, Ю. Йўлдошев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларида ҳам аҳвол ана шундай.

Бу йил Фрунзе номли колхоз аъзолари 1715 гектар ердан 32 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Аммо шундай юксак мажбурият учун қизғин кураш олиб борилаётган ҳозирги пайтда теримга чиқмай юрган колхозчилар ҳам бу хўжаликда анчагина бор. График бўйича теримда 1319 киши қатнашиши керак. Аммо ҳозир пахта далаларида ишлаётган кишилар сони 1150—1170 дан ортмайди. Колхозда пахта териш машиналаридан ҳам ёмон фойдаланилмоқда. Раҳбарлар, биринчи галда раис ўртоқ Қ. Саидбеков, пахтамизни ҳашарчилар териб беради деб, беғам юрибдилар. Натижа нима бўлаётир? С. Турсунқулов, Х. Яхшибоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда эндигина йиллик планнинг 10—15 проценти миқдорида пахта тайёрланди, холос.

Район колхозларида юқоридаги сингари кўнгилсиз ишлар анчагина учрайди. Терим суръати, айниқса Фрунзе номли ва «Шарқ юлдузи» колхозларида паст. Биз район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бош агрономи ўртоқ Содиқовдан бунинг сабабини сўраганимизда, у жавоб беришга қийналиб лол қолди.

— Бу хўжаликларнинг раҳбарларига бир нима деб бўлармиди! — жавоб берди у зўрға.

— Нега?

— Обрўли кишилар-да.

Районда ана шу йўсунда иш қилинаётир. Шунинг учун ҳам янгийўллик пахтакорлар район шуҳратини бу йил албатта тиклаймиз, деб курашаётган бўлсалар ҳам, пахта териш ва топшириш соҳасида кўзга кўринарли ўзгариш бўлмаётир. Бундан буён юз-хотирчиликка қатъий чек қўйиш керак. Ахир кузнинг илиқ-иссиқ кунлари ҳам ўтиб бораётир. Агар қолган ғанимат кунлардан унумли фойдаланиб терим суръати тезлаштириб юборилмаса, етиштирилган ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлиб, бу йил давлатга 53 минг тонна пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишига путур етиши мумкин.

М. РИХСИЕВ.

## Н. С. ХРУШЧЕВ Владивостокда

ВЛАДИВОСТОК, 6 октябрь. (ТАСС). Бугун ўлка маркази — Владивосток шаҳрида меҳнаткашларнинг КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев билан учрашишга бағишланган митинги бўлди.

«Авангард» стадиони одамлар билан ҳеч қачон бунчалик гавжум бўлмаган эди. Бу ерда тўпланганлар Н. С. Хрушчев билан учрашишни орзиқиб кутардилар.

Соат 16 дан 15 минут ўтди. Давомли қарсаклар ва табрик хитоблари янграйди. Трибунага Н. С. Хрушчев, унинг ҳамроҳлари, партия ва совет ташкилотларининг вакиллари кўтариладилар.

КПСС Владивосток шаҳар комитетининг секретари Г. Г. Иванов митингни очади. Оркестр ССР Иттифоқи давлат гимнини ижро этади.

КПСС Приморье ўлка комитетининг биринчи секретари В. Е. Чернишевга сўз берилади. Сўнгра Ленин орденли Дальзаводи кема йиғувчилар коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Е. Г. Кривошеев, СССР Олий Совети депутати, Хороль районидаги Сталин номли колхоз раиси А. М. Самохатко, Дальневосток университетининг профессори, кимё фанлари доктори А. И. Шлигин, Дальневосток политехника институти қурилиш факультетининг студенти Нина Бикова сўзга чиқадилар.

Давомли қарсаклар билан кутиб олинган ўртоқ Н. С. Хрушчев катта нутқ сўзлади. Унинг нутқи бир неча марта давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

Митинг тугади. Н. С. Хрушчев меҳнаткашлар билан самимий хайрлашади.

## Кутар „оқ олтин“

(Теримчи қизларга бағишланади)

Тонг уйғониб, далага чиқсам,
Пахтазордан таралади куй.
Куйга монанд сарин еллар ҳам
Теримга дер қадамингни қўй,
Кутар «оқ олтин».

Денгиз каби поёнсиз ғўза,
Юлдузларнинг акси ҳам шунда,
Қуёш боқиб кумуш уфқдан
Чаноқлардан олиб дер бўса: —
Кутар «оқ олтин».

Нур қўйнида товланиб води,
Чиройига қўшаркан чирой,
Кўзин очиб маржон кўсаклар
Жилмайиб дер мисоли бир ой —
Кутар «оқ олтин»

Турсун ИБРОҲИМОВ.

## Ҳурмат тахтаси

Пахта тайёрлаш планини бажарганликлари учун қуйидагилар область Ҳурмат тахтасига ёзиладилар

| Колхозлар, совхозлар ва бригадалар | Қўшимча олган мажбурияти (тонна ҳисобида) |
|---|---|
| Бўка районидаги Ильич номли колхозининг ўртоқ Х. Эгамбердиев бошлиқ бригадаси | 40 |
| Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг ўртоқ Лян В. бошлиқ бригадаси | 40 |
| Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг ўртоқ А. Алиев бошлиқ бригадаси | 70 |

## Машина билан кўпроқ пахта терайлик

Область комсомол комитетининг яқинда бўлиб ўтган VI пленуми область комсомол ташкилотларининг пахтани машина билан териш устидан оталик қилиш соҳасидаги ишларини кучайтириш масаласини муҳокама қилди. Докладчи — область комсомол комитетининг секретари У. Абдураззоқов ва музокарада чиқиб сўзлаган ўртоқлар комсомол-ёшлардан ташкил этилган ремонт бригадалари бу йил камида 70 минг тонна пахтани машина билан териб олиш юзасидан область партия комитетининг VII пленуми томонидан қўйилган вазифани бажариш учун курашиб, 305 та пахта териш машинасини ремонт қилганликларини, ҳозирги вақтда кўпчилик комсомол механик-ҳайдовчилар машина билан пахта теришда намуна кўрсатиб, юқори кўрсаткичларга эришаётганликларини таъкидладилар.

«Гулистон» совхозининг ўртоқ Алламуродов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси йиллик пахта тайёрлаш планини 25 сентябрдаёқ бажарди. 88 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан олинган ҳосилнинг ҳаммаси машина билан терилди.

Атоқли механизатор, область комсомол комитетининг аъзоси ўртоқ Турсуной Охунова ҳозирнинг ўзидаёқ 70 тоннадан ортиқ пахта терди. Ундан намуна олиб ишлаётган Ортиқбоев, Шарафутдинов, Ўроқбоев, Бекиров, Тюпко ва бошқа ўртоқлар эса ўз агрегатларини моҳирлик билан бошқариб ҳар куни 2.5—5 тоннадан пахта тераётирлар.

Область ва район комсомол комитетлари ҳузурида «Машина терими бўйича штаблар» тузилган. Бу штаблар илғор тажрибани кенг пропаганда қилиш билан бирга, йўл қўйилаётган камчиликларни очиб ташламоқдалар. Шу муносабат билан пленумда Бекобод районидаги Дзержинский номли, Юқори Чирчиқ районидаги Жданов номли колхозларда, Чиноз районидаги айрим хўжаликларда машина теримига етарли эътибор берилмаётгани, машина билан жуда кам пахта терилаётгани, республика қишлоқ хўжалик министрлиги ва Тошкент Халқ хўжалик кенгаши колхоз ҳамда совхозларни пахта териш машиналарининг запас қисмлари билан ўз вақтида ва етарли таъминламаётгани кўрсатилди.

Пленумда область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Ғ. Ғуломов нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

## Бири биридан қолишмайди

Бекобод районидаги 2- «Далварзин» совхозининг 2- бўлимидаги Остонақул Жўраев бошлиқ бригада аъзолари 90 гектар ерда етиштирилган мўл пахта ҳосилини жадал териб олиш учун ўзаро мусобақалашиб ишламоқдалар.

Бригада аъзоларидан Каромат Усмонова билан Каромат Пўлатовалар ҳам ўнбешмингчилар ҳаракатига қўшилган эдилар. Улар ҳозир ўзаро мусобақалашиб кунига 160 — 170 килограммдан пахта териб хирмонга топшираётирлар. Улар бу курашда бир-биридан қолишмаяпти.

Е. ҲАСАНОВ.

## 6 ОКТЯБРГАЧА ҚАНЧА ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ

### РАЙОНЛАР БЎЙИЧА

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

| Районлар | Бир кунлик ўсиш: Ҳаммаси | Бир кунлик ўсиш: Машина билан | Мавсум бошидан бери: Ҳаммаси | Мавсум бошидан бери: Машина билан |
|---|---|---|---|---|
| Пискент | 2,69 | 4,25 | 60,46 | 48,75 |
| Қуйи Чирчиқ | 3,01 | 4,10 | 60,41 | 76,77 |
| Гулистон | 2,53 | 2,73 | 60,03 | 42,55 |
| Боёвут | 2,37 | 2,18 | 58,62 | 34,06 |
| Сирдарё | 2,51 | 5,89 | 56,58 | 63,06 |
| Юқори Чирчиқ | 1,84 | 4,44 | 55,18 | 42,00 |
| Бўка | 2,36 | 3,50 | 53.16 | 44,41 |
| Оққўрғон | 2,28 | 3,28 | 52,65 | 37,60 |
| Бекобод | 1,93 | 1,55 | 52,24 | 26,12 |
| Ўрта Чирчиқ | 1,94 | 2,73 | 51,50 | 34,11 |
| Оржоникидзе | 1,75 | 4,70 | 50,76 | 32,70 |
| Чиноз | 1,77 | 5,58 | 49,75 | 58,97 |
| Янгийўл | 1,66 | 5,33 | 48,24 | 35,70 |
| Жами | 2.20 | 3,26 | 54,41 | 41,31 |

### СОВХОЗЛАР БЎЙИЧА

| Совхозлар | Бир кунлик ўсиш: Ҳаммаси | Бир кунлик ўсиш: Машина билан | Мавсум бошидан бери: Ҳаммаси | Мавсум бошидан бери: Машина билан |
|---|---|---|---|---|
| Бушуев номли | 2,43 | 2,00 | 104,43 | 112,00 |
| 4-«Вревский» | 0,84 | — | 100,84 | — |
| «Бўка» | 4,11 | 7,50 | 92,54 | 101,33 |
| «Мирзачўл» | 3,39 | 2,60 | 71,00 | 59,00 |
| «Гулистон» | 2,45 | 6,25 | 64,65 | 85,00 |
| «Малик» | 4,87 | — | 61,97 | — |
| «Чаноқ» | 2,40 | 0,14 | 61,93 | 10,57 |
| «Социализм» | 2,71 | 3,43 | 58,91 | 40,06 |
| «ЎзССР беш йиллиги» | 3,19 | 4,03 | 56,49 | 73,30 |
| «Оққўрғон» | 2,67 | 3,97 | 55,56 | 48,38 |
| 1-«Боёвут» | 2,27 | 2,45 | 54,91 | 43,29 |
| «Дружба» | 1,55 | 2,33 | 54,85 | 55,00 |
| 3-«Боёвут» | 2,01 | 2,10 | 52,92 | 39,97 |
| 4-«Боёвут» | 2,42 | 2,13 | 52,91 | 21,32 |
| «Пискент» | 2,70 | 4,14 | 49.99 | 39,50 |
| 1-«Далварзин» | 1,85 | 1,20 | 48,20 | 23,53 |
| Киров номли | 2,04 | 4,31 | 47,85 | 59,23 |
| 2-«Далварзин» | 1,77 | 1,49 | 47,32 | 25,32 |
| «Фарҳод» | 1, 97 | 0,66 | 42,97 | 8,83 |
| Жами | 2,50 | 3,27 | 55,22 | 46,49 |

# СОВЕТ ФАНИНИНГ ЖАҲОНШУМУЛ ТАРИХИЙ ЗАФАРИ

☆ ☆

*Учинчи совет космик ракетасининг ҳаракати тўғрисида*

## ТАСС ахбороти

5 октябрь соат 12 га қадар учинчи Совет космик ракетаси Ердан 248 минг километр узоқлашди ва Ер сиртининг Ҳинд океани шарқий қисмида жойлашган нуқтаси устида бўлди. Унинг координатлари: жанубий кенгликда 14 градус 20 минут ва шарқий кенгликда 98 градус 00 минут.

Ракета ҳаракатининг ҳақиқий параметрларини ўлчаш натижаларини тез ишлайдиган электрон ҳисоблаш машиналарида ишлаш узлуксиз давом этмоқда. Параметрларни ўлчаш натижасида ҳосил қилинган маълумотлар ракетанинг мўлжалдаги орбитага жуда аниқ чиқарилганлигини тасдиқламоқда. Маълумки, биринчи ва иккинчи совет космик ракеталари орбитага чиқиш вақтида иккинчи космик тезликдан ортиқ тезликка эга эди. Планеталараро автоматик станциянинг Ойни айланиб учиши ва сўнгра Ер томонга қайтиб бурулиши учун учинчи совет космик ракетасига иккинчи космик тезликка қараганда бошланғич орбита тезлиги бир оз камроқ берилди. Шу сабабли учинчи космик ракетанинг Ойга томон ҳаракати биринчи ва иккинчи совет космик ракеталарининг ҳаракатига нисбатан секинроқ бўлади.

Ракетанинг охирги босқичидан ажралган планеталараро автоматик станция Ер билан Ой ўртасидаги масофани босиб ўтиш учун 2,5 суткага яқин вақт сарфлаб 6 октябрь соат 17 да Ойга энг яқин масофадан ўтади. Бу вақтда планеталараро автоматик станциянинг Ой сиртидан узоқлиги қарийб 7 минг километрни ташкил этади.

Планеталараро автоматик станцияда ўрнатилган аппаратура белгиланган тадқиқот ўлчовлари программасига мувофиқ ишламоқда.

Илгари хабар қилинганидек, планеталараро автоматик станция бортидан ўлчов маълумотларининг иккинчи сеансини бериш 5 октябрда соат 15 дан 17 гача ўтказилади. Бундан кейин учинчи совет космик ракетасининг ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар ва тадқиқот кузатишларининг натижалари планеталараро автоматик станция бортидан маълумотларни бериш юзасидан сеанс ўтказилгандан кейин ва бу маълумотлар дастлабки анализ қилингандан сўнг суткасига бир марта берилади. Яқинда бўладиган ахборот 5 октябрь кечқурун чиқарилади.

## ТАСС ахбороти

Учинчи совет космик ракетаси Ойга томон учишни давом эттириб, 5 октябрда Москва вақти билан соат 20 да Атлантик океан устида учиб бориб, шу пайтда Ердан 284 минг километр узоқлашди. Унинг ўша пайтдаги координатлари жанубий кенгликнинг 20 градус 40 минути ва ғарбий узунликнинг 21 градус 30 минути эди.

Учинчи совет космик ракетаси белгиланган орбита бўйлаб аниқ учишни давом эттирмоқда.

4 октябрда ўлчовларнинг иккинчи сеансида олинган телеметрик ўлчов маълумотларини дастлабки ишлаб чиқиш натижаларига кўра, планеталараро автоматик станцияга ўрнатилган иссиқликни бир меёрга солиб туриш системаси, энергия билан таъминлаш системаси ва илмий тадқиқотлар учун ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турганлиги аниқланди.

5 октябрда Москва вақти билан соат 15 дан 17 га қадар Ердан берилган команда бўйича планеталараро автоматик станция телеметрик ўлчовларнинг навбатдаги маълумотларини Ерга юбориб турди ва бу маълумотларни Ер юзидаги станциялар плёнкага ёзиб олди.

Планеталараро автоматик станциянинг илмий маълумотларни Ерга юборишнинг навбатдаги сеанси 6 октябрда Москва вақти билан соат 17 дан 19 га қадар ўтказилади.

## Космосни эгаллаш даври

1957 йил 4 октябрь ва 1959 йил 4 октябрь кунлари совет халқи қаҳрамонона ишларининг шонли солномасига ёзилди. Бундан икки йил муқаддам мамлакатимиз территориясидан Ернинг биринчи сунъий йўлдоши учирилганлиги ҳақидаги хабар бутун дунёга тарқалди, шу йил октябрь ойида якшанба куни эрталаб орбитага планеталараро автомат станцияни олиб чиққан учинчи космик ракета юборилганлиги маълум бўлди.

Мана, 1959 йил октябрь ойида эрталаб Космосга СССР Фанлар академиясининг ўзига хос ой бўлими — планеталараро автоматик станция Космосга чиқди.

### СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

— Совет кишилари эришган муваффақиятларни инсоният ҳеч қачон эсидан чиқармайди, — деди ЎзТАГ мухбирига Тошкент астрономик обсерваториясининг директори, физика-математика фанлари доктори В. П. Шчеглов. — Ердан туриб бошқариладиган планеталараро автомат станциянинг Ой районига учирилиши гоят катта аҳамиятга эга бўлган воқеадир. Совет олимлари Коинотга йўл очиб, Ой сиртига аппаратура юборди, Ойни ўраб турган бўшлиқни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишга киришдилар. Олинган тадқиқот материаллари Космосга хавфсиз учиш ва Ерга қайтиб тушиш учун одамни зарур бўлган ҳар хил воситалар билан таъминлашга ёрдам беради. Мен учинчи совет ракетасини яратишда қатнашган олимларни, инженерларни ва ишчиларни янги ғалаба билан чин кўнгилдан табриклайман.

Радио учинчи совет сунъий ракетасининг учирилганлиги тўғрисидаги хабарни эшиттирган пайтда Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг ишчи ва мутахассислари яқинлашиб қолган Улуғ Октябрь байрами шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган эдилар. Корхона диспетчери инженер А. Золотов телефон ёнига келиб бундай деди:

— Ой йўлдошининг учирилиши — бу Совет Иттифоқининг Космосни текширишдаги устунлигини тасдиқ этувчи ажойиб муваффақиятдир. Ўзбек металлургиялари олимларимиз ва техникларимизнинг шонли жасоратига жавобан меҳнат унумдорлигини янада оширишга интиламиз. Ватанимизнинг бой ва

Якшанба куни завод коллективи топшириқни оширib бажарди ва пландан ташқари ўнлаб тонна пўлат ва прокат чиқарди.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг инженери — Сталин мукофоти лауреати А. Турков бундай деди:

— Биз заминимизни, совет кишилари Коинотнинг кўпгина сирларини биринчи бўлиб очадилар. Космосни эгалловчиларга шон-шарафлар бўлсин!

### ПЛАНЕТАЛАРАРО СТАНЦИЯ СИГНАЛЛАР ЮБОРМОҚДА

Бундан йигирма кун бурун Тошкент шаҳридаги қисқа тўлқинли радио ҳаваскори Константин Константинович Сливицкий иккинчи совет ракетасининг Ой сиртига қўниш олдидан берган охирги радио сигналларини қабул қилишга муваффақ бўлди. Наушникларда космик кораблнинг охирги қисқа сигнали эшитилганини у умрбод эсида қолдирди.

Мана у яна аппарат ёнида. Ҳамма узелларнинг иши, планеталараро лабораториянинг сигналлари бериладиган диапазоннинг тўғри созланганлиги пухта текширилади. Москва вақти билан соат 13 да приёмник уланади. Эфирдан олатдаги товушлар эшитилади. Шундан кейин нималар рўй берганлиги ҳақида бизга К. К. Сливицкий ҳикоя қилиб берди.

— Дастлабки ўн беш минут ичида сигналлар эшитилмади. Соат 13 дан 15 минут ўтганда эфирда юз берган шовқин орасида 39,986 мегагерц диапазонда сигналлар импульси пайдо бўлди. Мен бу маълумотларни эълон қилинган ТАСС ахборотлари билан солиштириб кўриб, планеталараро автомат станциянинг чақириш сигналлари узилиб-узилиб эшитилаётганини аниқладим. Товуш сўст эшитилар эди, лекин бу ажабланарли эмас. Бу вақтда космик корабль 108 минг километр баландликда ва бунинг устига у Ҳинд океани территориясида эди. Сеанс эллик минут давом этди ва Москва вақти билан соат 14 дан 0,5 минут ўтганда тугади. Афтидан ракета радиосигналларини эшитиш мумкин бўлган зонадан узоқлашиб кетган бўлса керак.

Планеталараро илмий лаборатория берилган орбитага чиқди ва ўз йўлида давом этмоқда. Ерга Коинот тўғрисида янгилик-янги кизиқарли

## „Космосни бўйсундириш ишига қўшилган янги муҳим ҳисса“

ПЕКИН, 5 октябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: Бугун Пекиннинг ҳамма газеталари совет халқининг янги буюк муваффақияти — учинчи космик ракетанинг учирилганлиги тўғрисидаги хабарларни биринчи саҳифаларда босиб чиқардилар. Совет Иттифоқи, деб ёзади «Жэньминь жибао» газетаси, космосни бўйсундириш ишига яна бир марта жуда катта ҳисса қўшди. Газеталар планеталараро автоматик станция вужудга келтирилишининг аҳамияти тўғрисида Москвадан олинган хабарни «Космик фазони планли бўйсундириш босқичига қадам қўйилди», «Социалистик тузум ўзининг устун эканлигини яна бир марта кўрсатди», «Инсоннинг Ойга учиш вақти яқинлашмоқда» деган сарлавҳалар остида босиб чиқармоқдалар.

«Дагун бао» газетаси бош мақоласида Совет Иттифоқида планеталараро автоматик станция ўрнатилган учинчи космик ракетанинг муваффақиятли учирилганлиги совет халқининг космосни бўйсундириш ишига қўшган янги муҳим ҳиссасидир, деб таъкидлайди. Совет Иттифоқининг ана шу буюк муваффақияти, деб ёзади газета, социалистик системанинг ғалабаси бўлиб, бутун социалистик лагернинг ифтихоридир.

## Фазони бўйсундириш йўлидаги муҳим босқич

ПХЕНЬЯН, 5 октябрь. (ТАСС). Корейс халқи совет фанининг космик фазони эгаллаш соҳасида эришган янги муваффақятини қизғин табриклямоқда.

«Нодон синмун» газетаси бугунги сонида қуйидагиларни ёзади: Совет Иттифоқида учинчи космик ракетанинг учирилганлиги инсоннинг космик фазони бўйсундириш йўлидаги яна бир муҳим босқичдир.

Планеталараро автоматик станциянинг Ойни айланиб ўтувчи орбитага чиқарилганлиги, деб таъкидлайди газета, совет фанининг жуда катта муваффақиятларга эришганлигини намойиш қилиб кўрсатади.

Газета яна қуйидагиларни ёзади: Янги космик ракетанинг муваффақиятли суратда учирилганлиги кишиларнинг қалбида инсониятнинг космик фазога учиш тўғрисидаги орзулари амалга ошириладиган кунни тобора яқинлаштиради, деган умидни оширади. Корейс халқи улуғ совет халқини ана шу жаҳоншумул-тарихий зафар билан қизғин табриклайди.

Келесдаги 7-ғишт заводлари бошқармаси коллективи КПСС Марказий Комитетининг Октябрьолди жанговар Чақириқларидан руҳланиб иш суръатини янада тезлаштириб юборди. Улар йил охиригача пландагидан ташқари 3 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар. Корхонада етти йилликни 4-5 йилда бажариш учун бошланган ҳаракат тобора кенгайиб бормоқда. Суратларда: (юқоридан пастга) коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун курашаётган Галия ГАЙНУЛЛИНА. У смена топшириқларини 200-220 процентга етказиб бажараётир. Заводнинг кекса ишчиларидан Жўра ҚУРБОНОВ. Жўра ака 30 йилдан буён муттасил равишда ана шу корхонада ишлаётир. У ўз меҳнат фаолияти давомида кўплаб иш билармон шогирдлар етиштиргани учун ҳам коллективнинг ҳурматига сазовор бўлаётир. Валентин ХОЛОДОВ корхонада ўзининг рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари билан шуҳрат қозонмоқда. Унинг таклифлари ишлаб чиқаришга жорий қилиниши натижасида корхона оладиган йиллик фойда 40 минг сўмга кўпаяди. «Етти йиллик топшириқни муддатидан икки йил олдин бажараман», — илғор ишчи Олим ҚОРАБОЕВ ана шу шиор остида меҳнат қилаётир.

) М. Нуритдинов фотоси.

# Партиямизнинг жанговар Чақириқларига амалий иш билан жавоб берайлик!

☆ ☆ ☆

## 1960 йил ҳисобига ишламоқдалар

Тошкентдаги машина экскаватор станциясининг коллективи КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини ишлаб чиқаришда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашиб, ҳар қачонгидан ҳам ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Экскаваторчилар 9 ойлик планни муддатидан олдин ортиғи билан бажарган эдилар. Бу муваффақиятлардан руҳланган фидокорлар йиллик топшириқни октябрь ойи охиригача бажаришга аҳд қилишди.

Станциянинг Сергеев, Екимов, Терешченко ўртоқлар бошлиқ бригадалари 8 ойдаёқ етти йилликнинг биринчи йили топшириғини ортиғи билан бажариб, ҳозирда 1960 йил ҳисобига ишламоқдалар.

Шу кунларда станция экскаваторчилари пахта майдонлари атрофидаги сизот сувларини қочириш мақсадида ариқ-зовурлар ва сув иншоотлари қазиб, мавжудларини тартибга келтириш ишларини олиб боришмоқда. Ҳозиргача 989 минг квадрат метр ҳажмдаги ер қазиш ишлари бажарилди.

Шунингдек, экскаваторчилар пахтакор район ва колхозларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Шу кунларда Мартинов, Дидиенко, Терешченко ўртоқлар бошлиқ экскаваторчилар бригадаси Бўка, Янгийўл, Юқори Чирчиқ районларида тош йўллар қуриш, ҳамда асфальт ётқизиш ишларида актив қатнашмоқда.

Экскаваторчилар ўртасида Валентина Гаганова бошлаб берган олижаноб ташаббус кун сайин кенг қулоч ёймоқда. Илғор бригада бошлиғи ўртоқ Сергеев ўзи бошчилик қилаётган қолоқ бригадани илғорлар сафига кўтариш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг октябролди Чақириқларидан руҳланган станция коллективи иш суръатини янада тезлаштирмоқда.

Т. ЯЙЛОВОВ.

## *Кечаги шогирд — бугун устоз*

Раиса мактабда ўқиб юрган вақтидаёқ тикувчи бўлишни орзу қиларди. Шунинг учун ҳам 7-синфни битириш билан ателъега ишга келди.

— Кел, қизим, — чевар тикувчи Ҳожар опа Назарова ёнига келган оқ-сариқдан келган пастроқ бўйли истараси иссиққина қиз Раисани очиқ юз билан қарши олди.

— Ҳунар ўргатсангиз, — тортинибгина мурожаат қилди Раиса.

— Жоним билан, оппоқ қизим...

Устозининг сўзларини диққат билан тинглаган, топшириқларни чаққонлик билан бажарган Раиса тез кунда мустақил ишлашга ўтди...

Мана энди Раиса Маликова Янгийўлдаги модалар ателъесининг энг уста чеварлари сафидан ўрин олди.

— Раҳмат, яшанг, худди қуйиб қўйгандек ,— дейишади заказчилар, — Раиса тиккан кўйлакларни олар эканлар.

Кечагина Ҳожар опанинг шогирди бўлган Раиса эндиликда шогирдлар етиштирмоқда.

— Ойлик планимиз доим 130-140 процентдан бажарилмоқда, — дейди ателье мудири Обид Муҳамедов.— Бунда Раиса Маликова, Осиё Каримова, Василий Новицкий каби моҳир усталаримизнинг ҳиссаси катта.

Б. МИРЗААҲМЕДОВ.

## Йиллик мажбурият бажарилди

Меҳнат Қизил Байроқ ордени Чирчиқ электрокимё комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари партиямиз XXI съезди қарорларини амалга ошираборib, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича олинган йиллик мажбуриятни муддатидан илгари бажардилар.

Улар йил бошидан бери пландан ташқари 3500 тонна азотли ўғит ишлаб чиқардилар. Комбинат коллективи иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш натижасида маҳсулот таннархини белгиланганидан 1 процент камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ўтган йилдагига қараганда 4,6 процент оширишга муваффақ бўлдилар.

Корхонада ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракати тобора авж олмоқда. Ўтган ойлар мобайнида кўплаб новаторлик таклифлари жорий қилинди. Натижада комбинат оладиган фойда 3 миллион сўмга кўпайди.

Партиямизнинг жанговар Чақириқларидан мамнун бўлган комбинат коллективи йил охиригача мажбуриятга қўшимча равишда юзларча тонна минерал ўғит ишлаб чиқаришга қарор қилди.

Ш. ЮСУПОВА,
М. САИДХОНОВА.

## Мусобақа ғолиблари

Тошкентдаги Ильич номли кон ускуналари ремонт заводи коллективи етти йилликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани тобора қизитмоқда. Бунда механика, қуюв, металл, авторемонт цехлари олдинда бориб, ойлик ишлаб чиқариш планларини мунтазам равишда ошириб адо этаётирлар.

Айниқса, қуюв цехи аъзолари янги техника ва илғор технологияни кенг жорий қилиш натижасида 9 ойлик топшириқни муддатидан илгари бажардилар. Планга қўшимча равишда ўнларча минг сўмлик қуйилмалар тайёрланди. Қуювчилардан А. Камбаров, И. Неъматов, стерженчилардан Р. Ёқубова, П. Нелюбова, моделчи С. Миркушкин ўртоқлар смена нормасини 200 — 250 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Р. ТУРСУНОВ,
Ҳ. САИДАЛИЕВ.

Областимиз саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотлари механизаторлари КПСС Марказий Комитетининг Октябролди Чақириқларини зўр қизиқиш билан қутиб олдилар. Суратда: Тошкент шаҳар ижрои я комитети маҳаллий саноат бошқармасига қарашли Чкалов номли заводнинг слесари А. Мирдадаев йиғув цехи ишчиларига партия Марказий Комитети Чақириқларини ўқиб беряётир.

В. Салов фотоси.

# Туя гўшти еган объект

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИНИНГ рейд бригадаси

Бундан 10 йил муқаддам Тошкентда ёг-мой комбинати қурилиши бошланган эди. Ўрта Осиёда энг йирик озиқ-овқат саноати корхоналаридан бўлган бу объект қурилиши учун давлат томонидан 120 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилган. Комбинат составида ёг, маргарин, совун сингари маҳсулотлар ишлаб чиқаруви заводлар, ремонт механика заводи бўлади. Бундан ташқари комбинатда ишлайдиган меҳнаткашлар учун 24 ярим миллион сўмлик уй-жой ва маданий-маиший муассасалар бинолари қурилиши назарда тутилади.

Комбинат қурилиши бошланганидан бери ўтган давр мобайнида ажратилган капитал маблағнинг фақат 30 процентини ўзлаштирилди, холос.

Бу объектда қурилиш ишлари бошланганидан бери пудратчи ташкилотлар тез-тез алмашиниб турди. Собиқ «Средазпродстрой» трести комбинат қурилишига оператив раҳбарлик қилмади. 1956 йилда бу трест тарқатиб юборилгандан сўнг, қурилиш ишларини олиб бориш Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 32-трестнинг 974-УНРси коллективи зиммасига юкланилди.

Республика озиқ-овқат саноатининг ходимлари ўз вақтида кўрилгандек бўлиб чиқмади. Янги пудратчи ташкилот етарли миқдорда техника воситалари ва бинокорлик материаллари запасига эга бўлишига қарамай, комбинат қурилишида айтарлик ўзгариш бўлмади. Қурилишда ҳукм сурган қолоқлик ҳамон давом этмоқда. Буни шу йилнинг ўтган ойларида бажарилган иш ҳажмидан яққол кўриш мумкин. 974-УНР раҳбарларининг бу муҳим объект қурилишига етарлик аҳамият бермаётганликлари оқибатида шу йилнинг 8 ойи учун белгиланган план 63,6 процент бажарилди. Август ойи плани эса фақатгина 30 процент қилиб адо этилди.

Қурилишни тугаллаш учун ҳали жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилиши лозим. Шу вақтгача фақатгина 5 ярим минг квадрат метр уй-жой майдони фойдаланишга топширилди. Темир йўлнинг 40 процентигина қурилди. Механика заводининг корпуси, маъмурий-идора биноси, гараж, комбинатга келадиган йўллар, водопровод, канализация тармоқлари қурилиши жуда секинлик билан олиб борилмоқда. Гидрогенизация ва бошқа асосий объектлар қурилиши эндигина бошланди.

32-трест ва 974-УНР раҳбарларидан қурилишнинг шу қадар қониқарсиз аҳволда боришининг сабабларини сўрасангиз, улар аввало кўп объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари берилмаган деб баҳона кўрсатадилар. Амалда эса бу йил қурилиши белгиланган объектларнинг барча лойиҳа-смета ҳужжатлари 974-УНР га топширилган вақтда иш суръати янада пасайиб кетди.

974-УНР ва 32-трест раҳбарлари объект қурилишида йўл қўйилаётган бундай камчиликларни бартараф қилиш учун амалий чоралар кўриш ўрнига, баҳоналар қидириб топишга ва бу билан ўз айбларини силаб-сийпаб кетишга ҳаракат қилмоқдалар. Аммо бундай баҳоналар учун ҳеч қандай асос йўқ. Қурилиш зарур бўлган бинокорлик материаллари билан етарли таъминланган. Ҳатто монтаж қилинадиган жуда кўп механизмлар келтирилган. Уларни ўрнатишга ҳали киришилган эмас.

Шу нарса эътиборни жалб қиладики, бинокорлар иккинчи даражали объектлар қурилишига кўпроқ эътибор бериб, комбинатнинг асосий заводлари бўлган гидрогенизация, ёг-экстракция ва бошқа муҳим технология объектлари қурилишини эътибордан четда қолдираётирлар. Айниқса гидрогенизация корпусини қурилаётир. Заказчи ташкилот эса комбинат биринчи навбатининг асосий корхонаси бўлган бу завод учун барча машина ва механизмларни келтириб қўйди. Аммо бу ускуналар омборларда чанг босиб ётибди, айримлари эса ҳатто ишдан чиқаяпти.

Комбинат қурилиши ҳақидаги масала 32-қурилиш трести (бошқарувчиси Мартиросов, бош инженери Маркозов ўртоқлар) ва 974-УНРда тез-тез муҳокама қилиб турилади. Аммо бунда қурилиш суръатини оширишга ҳалақит берадиган асосий камчиликлар четда қолиб, иккинчи даражали масалалар кўпроқ муҳокама қилинади. Бу шуни кўрсатадики, Мартиросов ва Маркозов ўртоқлар комбинат биринчи навбатини келаси йилнеқ ишга туширишни ҳақида энг сўнгги марта белгиланган топшириқни ҳам бажаришга панжа орасидан қарамоқдалар.

Озиқ-овқат комбинатларини қурилишида ҳам бир неча марта муҳокама қилинди. Қурилиш министрлиги объектни қуриш ишларини тезлаштиришга қаратилган амалий тадбирлар белгилаш ўрнига фақатгина 974-УНР бошлиғи ўртоқ Реморенконинг ишдан олиб ташлаш билан чекланди. Унинг ўрнига эса бундан илгари ҳам қурилишларда ишни расвосини чиқариб, ўз обрўсини йўқотган Секиринни бошлиқ қилиб тайинлади. Шахсий манфаати йўлида ҳар қандай ҳатти ҳаракатдан қайтмайдиган, ишни барбод этган ва ўз мансабини суиистеъмол қилган Секирин яқинда ўз вазифасидан олиб ташланди.

32-трест ва республика Қурилиш министрлиги комбинат қурилишида иш суръатини қатъий тезлаштириши, қурилишни ўз ишини пухта биладиган малакали инженер-техник ходимлар билан мустаҳкамлаши лозим.

Р. ИСҲОКОВ,

# Бугун Германия Демократик Республикасининг ташкил этилганига 10 йил тўлади

☆

## Дўстлик алоқалари тобора мустаҳкамланмоқда

Германия Демократик Республикаси билан Тошкент Халқ хўжалик кенгаши ўртасидаги ўзаро алоқа йил сайин мустаҳкамланиб бораётир. Немис дўстларимиз областимиз саноат корхоналарини унумли ишлайдиган янги асбоб-ускуналар билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бундай алоқа, айниқса кейинги икки йил ичида янада мустаҳкамланди. Етти йилликнинг биринчи йилидаёқ Тошкент Совнархози Германия Демократик Республикасидан ўнларча миллион сўмлик турли машина ва механизмлар, агрегатлар сотиб олди.

Ҳаммага маълумки, ГДРда тўқимачилик саноати учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш кучли ривожланган. Бу ерда тайёрланаётган шундай машина ва механизмлар областимиздаги тўқимачилик корхоналарида ҳам кўплаб жорий қилинмоқда. Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж фабрикаси цехларида дўстларимиз юборган ўнларча агрегатлар ишлаб турибди. Корхонада янгидан ташкил этилган капрон пайпоқлари ишлаб чиқарадиган цех ГДР дан келтирилган автомат машиналар билан ускуналанган.

Тошкентдаги чинни заводида ҳам немис дўстларимиздан олинган бир қанча механизмлар жорий қилинди. Бу чинни буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳамда сифатини яхшилашга ёрдам бераётир.

Тошкент Халқ хўжалик кенгаши ҳам ўз навбатида Германия Демократик Республикасига жуда кўп саноат маҳсулотлари ва хомашё материаллари юбориб турибди. Ҳар йили ГДРга кўп миқдорда пахта етказиб берилаётир. Бундан ташқари, саноат корхоналарида тайёрланган кабель буюмлари, электр ва радио деталлари ҳамда ГДР хўжалигининг турли тармоқлари эҳтиёжлари учун бошқа маҳсулотлар жўнатилмоқда.

Шунингдек, ГДРдан республикамиз меҳнаткашлари эҳтиёжлари учун жуда кўп миқдорда саноат буюмлари сотиб олинаётир.

Областимиз меҳнаткашлари билан Германия Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари бундан буён ҳам янада мустаҳкамланади.

**М. МИРҲАМИДОВ.**

### ГДР МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Германия Демократик Республикасида халқ ихтиёрида 1350 тага яқин клуб ва маданият уйлари бор. Шунингдек, 10 миллион томдан ортиқ китоб фондига эга бўлган 11 мингдан кўпроқ кутубхона меҳнаткашларга хизмат қилмоқда. Республикада 86 та театр, 1400 тадан ортиқ кинотеатр бор. 1958 йили республикада 20 мингдан ортиқ ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турди. Тўгарак аъзоларининг сони эса 800 минг кишига етди.

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

ГДРда демократик аграр реформа ўтказилиши натижасида йирик ер эгалари батамом тугатилди. Эндиликда мамлакатда 9,5 мингдан кўпроқ ишлаб чиқариш кооперативлари бор. Бу кооперативлар мамлакатдаги 40 процентдан кўпроқ ер майдонига экин экмоқдалар.

Германия Демократик Республикасининг 10 йиллиги шарафига мамлакатда социалистик меҳнат бригадаси номини олиш учун мусобақалашаётган ёшлар нинг ҳаракати янада авж олиб кетди. Суратда: социалистик меҳнат бригадаси деган шарафли номини олиш учун курашаётган «Буна-Верка» (Галла округи) кимё корхонаси ёшлар бригадасининг аъзолари (чапдан) Вольф, Бекер, Вацке, Лоху, Вандт. Шмидт фотоси. Центральбильд.

## Немис халқи ҳаётидаги тарихий воқеа

Бундан ўн йил муқаддам — 1949 йил 7 октябрда — Германия тарихида биринчи марта унинг шарқий қисмида меҳнаткашлар давлати — Германия Демократик Республикаси барпо қилинди. Германия ишчилари ва деҳқонларининг биринчи давлати вужудга келганлиги мамлакат тарихида бурилиш бошлаб берган нуқта бўлди. Яқиндагина фашизм қуллиги шароитида яшаб келган немис халқи учун социалистик жамият қурилишининг реал йўли очилди. Шу билан бирга Германия Демократик Республикаси Европада тинчликни мустаҳкамлашнинг муҳим фактори бўлиб қолди. Германия Демократик Республикаси империализм шароитида яшаб турган Ғарбий Германия немислари учун умид манбаи ва ўрнак бўлиб турибди. Ҳозирги кунда ўз юбилейини байрам қилаётган ёш республиканинг хусусияти ва аҳамияти ҳам ана шундадир. Германия Бирлашган социалистик партиясининг ўтган йил июль ойида бўлиб ўтган V съездида В. Ульбрихт бундай деган эди: «Биз социалистик лагернинг олдинги сафида, Ғарбий Германияда икки жаҳон системаси ўртасидаги асосий курашнинг очиқ йўлида турибмиз. Германия территориясида социализм билан капитализм бир-бирига қарама-қарши бўлиб турибди».

10 йил тарихий нуқтаи назардан қараганда жуда қисқа муддат. Лекин шу муддатнинг ўзида Республика меҳнаткашлари ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Ҳозирги вақтда мамлакатдаги саноат ишлаб чиқариши урушга қадар бўлган даражадан қарийб уч баравар ошиб кетди. Эндиликда саноат ялпи маҳсулотининг ўндан тўққиз қисмини социалистик корхоналар ишлаб чиқармоқда. Германия Бирлашган социалистик партиясининг V съезди социалистик қурилишни якунлаб ва республикада вужудга келган социал иқтисодий структурага таяниб, Германия Демократик Республикасида социализм негизлари асосан қурилиб бўлганлигини қайд қилди. «Нисбатан қисқа муддат ичида, — деди Н. С. Хрушчев шу съездда сўзлаган нутқида, — республика ўзини ўнглаб мустаҳкамланиб олди, шундай маҳкам фундамент вужудга келтирдики, социалистик жамиятнинг улуғвор биносини шу фундамент устида бемалол ва тез суръатлар билан тиклаш мумкин».

Социалистик мамлакат бўлган Германия Демократик Республикасининг характери жиҳати шуки, унда ҳамма ишлар жуда тез суръатлар билан бажарилмоқда. Германия Демократик Республикасида саноат маҳсулотининг ўсиши 1956 йилда 6,2 процентни ташкил қилган бўлса, 1957 йилда 7,7 процентни, 1958 йилда 10,9 процентни, 1959 йилнинг биринчи ярмида эса 12,4 процентни ташкил қилди! Шу нарса характерлидирки, Ғарбий Германияда саноат маҳсулотининг ўсиши 1958 йилда атиги 3,1 процентни ташкил қилди. Ваҳоланки буржуа пропагандаси Германия Федератив Республикасидаги саноатнинг ўсиш суръатларини «иқтисодий мўъжиза» деб эълон қилган эди. Бу йил Германия Демократик Республикаси 3,5 ой ичида бутун 1949 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотга баравар келадиган маҳсулот ишлаб чиқаради.

Германия парчалаб юборилганлиги натижасида Германия Демократик Республикасида металлургия базаси қолмаган эди, эндиликда Германия Демократик Республикаси ўз металлургия базасини вужудга келтирди. Кейинги йилларда энг катта «Ост» ва «Вест» металлургия комбинатлари қурилди. Металлургия саноати ялпи маҳсулотининг ҳажми 1949 йилдан бери уч баравар кўпайди. Германия Демократик Республикаси кулранг кўмир қазиб чиқаришда жаҳонда биринчи ўринга ва аҳоли жон бошига электр қуввати ишлаб чиқаришда Европада учинчи ўринга ўтиб олди. Умуман саноат ишлаб чиқариши жиҳатидан республика Совет Иттифоқи Англия, Германия Федератив Республикаси ва Франциядан сўнг Европада бешинчи ўринни эгаллади. Ваҳоланки Германия Демократик Республикасининг территорияси Франциянинг бешдан бир қисмигагина баравардир.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик плани немис меҳнаткашлари олдига улуғвор истиқболларни очиб берди. Саноат ишлаб чиқаришини етти йилликнинг охирига — 1965 йилга бориб 88 процент ўстириш кўзда тутилди!

Қишлоқ хўжалик соҳасида ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Германия Демократик Республикасида демократик аграр ислоҳот ўтказилди, бунинг натижасида ўтмишда герман империализмининг реакцион таянчи бўлиб келган помешчикларнинг, юнкерларнинг ерга эгалик қилиши тугатилди. Ҳозирги вақтда Германия Демократик Республикасида тўққиз ярим мингдан кўпроқ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативлари бўлиб, улар фойдали, қишлоқ хўжалик майдонларининг 40 процентидан кўпроғида деҳқончилик қилмоқда, бутун социалистик сектор эса, республикадаги фойдали ер майдонининг қарийб ярмисини ишлатмоқда. Натижада қишлоқ хўжалигининг ҳосилдорлиги ва маҳсулдорлиги анча ошди, шаҳар меҳнаткашларининг таъминоти яхшиланди. Ҳозир Германия Демократик Республикасида кооператив аъзолари бўлган деҳқонларнинг сони чорак миллиондан ошиб кетди.

Германия Демократик Республикасида янги социалистик маданиятни ривожлантириш соҳасида жуда катта силжишлар рўй берди. Олий ўқув юртлари, илмий ва маданий муассасалар сони кескин равишда кўпайиш билан бирга, уларнинг социал состави ҳам ўзгарди.

Германия Демократик Республикасида халқнинг фаровонлиги тўхтовсиз ўсмоқда. Республикада ишсизлик батамом тугатилди. Кейинги беш йил ичида меҳнаткашларнинг моддий даражаси анча ошди. Озиқ-овқат маҳсулотларини жон бошига истеъмол қилишнинг ўртача миқдори кейинги беш йил ичида уч баравар кўпайди, кенг истеъмол молларини истеъмол қилиш даражаси эса бундан ҳам ошиб кетди. Жуда кенг миқёсда уй-жой ва маданий қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Янги шаҳарлар ва янги қурилишлар олдида янги посёлкалар қад кўтарди.

Германия Демократик Республикасининг муваффақиятлари ва шу билан бир қаторда Ғарбий Германияда милитаризм авж олиб бораётганлиги шунга олиб келдики, Германия Федератив Республикасида Аденауэр режими билан алоқани бузаётган, социализмни танлаб, Германия Демократик Республикасига ўтиб келаётган немисларнинг сони тобора кўпаймоқда.

Германия Демократик Республикасида халқ хўжалиги тез суръатлар билан ривожланаётганлиги ва меҳнаткашлар оммаси социалистик қурилишда актив қатнашаётганлиги Германия Бирлашган социалистик партияси V съездининг Германия Демократик Республикаси олдига қуйидаги асосий вазифани, янги озиқ-овқат ва истеъмол молларининг ҳамма муҳим турларини жон бошига истеъмол қилиш даражаси жиҳатидан икки-уч йил ичида Ғарбий Германиядаги даражага етиб олиш ва ундан ўзиб кетиш вазифасини қўйишга имкон берди.

Германия Демократик Республикасининг жуда катта хизмати шундаки, у ўзи барпо бўлганидан бери Германиянинг бирлиги учун ҳормай-толмай курашиб, ҳамма немислар учун тинчлик ва бахт-саодатни таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Германия Демократик Республикасининг «Немислар бир жойга тўплансин» деган шиори тобора қаттиқроқ янграмоқда, бу шиор мамлакатнинг ҳар иккала қисмидаги кенг оммасига сингиб бормоқда.

Германия Демократик Республикаси қудратли социализм лагерининг ҳамма мамлакатлари билан маҳкам дўст бўлиб ҳамкорлик қилмоқда. Германия Демократик Республикаси меҳнаткашлари СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан бўлган дўстлик ўзларининг бундан буён ҳам муваффақиятлар қозонишлари учун гаров эканлигини очиқ кўриб турибдилар.

«Халқимизнинг миллий манфаатлари нуқтаи назаридан қараганда, деди ўртоқ Ульбрихт, Совет Иттифоқи билан дўстона муносабатларимизни янада мустаҳкамлашдан бошқа йўл бўлиши мумкин эмас, чунки Совет Иттифоқи ва социалистик давлатлар лагери тинчликни таъминлашда ва тинч келажакка эришишда немис халқига муттасил ёрдамлашаётган бирдан-бир кучдир».

Совет халқи Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларига шонли байрам кунида тинчлик ва социализм учун курашда янада муваффақиятлар қозонишни тилаб қизғин истак билдиради.

**А. ШАТИЛОВ.**



Виттенбергдаги «Целльштоф — целльволле — верке» целлюлоза корхонасининг коллективи шонли байрам шарафига ишлаб чиқариш суръатини янада ошириш, хомашёни тежаб-тергаб сарф қилиш мажбуриятини олди. Коллектив белгиланган планни 7 октябргача ортиғи билан бажаришга қарор қилди. Суратда: корхона цехида. Вайс фотоси. Центральбильд.

## Буюк Британиянинг Москвадаги элчихонаси билан СССР Ташқи ишлар министрлигининг бир-бирига юборган ноталари

Буюк Британиянинг Москвадаги элчихонаси 24 сентябрда Ташқи ишлар министрлигига нота топширди. Бу нотада, Совет ҳукуматидан ядро қуроли синовларини тўхтатишга бағишланган кенгашни яна давом эттиришни 27 октябрга қадар кечиктиришга рози бўлиш илтимос қилинади.

СССР Ташқи ишлар министрлиги 1 октябрда Буюк Британиянинг Москвадаги элчихонасига жавоб нотаси юборди. Бу нотада ядро қуроли синовларини тўхтатиш вазифасини тезроқ ҳал қилиш манфаатларини кўзлаб Совет Иттифоқи уч давлат ўртасида бўлган аҳдлашувга мувофиқ кенгашнинг ишини 12 октябрда яна бошлаб юборишни афзалроқ деб билур эди, дейилади. Бироқ, — дейилади нотада, — СССР ҳукумати Буюк Британия ҳукуматининг илтимоси билан ҳисоблашмаслиги мумкин эмас ва Женевадаги музокаралар янгидан бошланганида бу музокаралар мумкин қадар тезроқ муваффақиятли тугайдиган кенгаш бўла олсин, деб Буюк Британия ҳукумати томонидан билдирилган истакни назарда тутиб, кенгаш ўз ишини 27 октябрда янгидан бошлашига қарши эътироз билдирмайди.

СССР ҳукумати, деб таъкидланади нотада, музокараларда қатнашувчиларнинг ҳаммаси ядро қуроли синовларининг ҳамма турларини тўхтатиш тўғрисида шартнома имзолаш билан кенгашни тезроқ тамомлашга куч ва ғайратларини сарфлайдилар, деб умид билдиради. (ТАСС).

## СССР партия-ҳукумат делегацияси Берлинга келди

БЕРЛИН, 6 октябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари Ф. Р. Козлов бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси кеча Берлинга келди.

Аэродромда делегацияни В. Ульбрихт, О. Гротеволь ва Германия Демократик Республикасининг бошқа раҳбар арбоблари, шунингдек Берлин меҳнаткашлари кутиб олдилар.

О. Гротеволь ва Ф. Р. Козлов аэродромда нутқ сўзладилар.

## Шонли ўн йиллик

ПЕКИН, 5 октябрь. (ТАСС). Хитой-Совет дўстлиги жамияти ташкил этилган кунга бугун ўн йил тўлди. Хитойнинг кўп миллионли халқи бу кунни кенг нишонламоқда. Совет ва хитой халқлари дўстлигининг тараққиётидаги ана шу шонли кун шарафига Хитой Халқ Республикасининг кўпгина шаҳарларида жамоатчиликнинг тантанали йиғилишлари бўлди. Ҳар иккала мамлакат халқларининг бузилмас дўстлиги тўғрисида, совет халқининг коммунистик қурилиш соҳасида эришган муваффақиятлари ҳақида, ернинг совет сунъий йўлдошлари ва космик ракеталар тўғрисида, совет халқининг социализм қурилишида хитойлик ўз қардошларига кўрсатаётган ёрдами тўғрисида фотовиставкалар ва фотовитриналар очилди.

«Жэньминь жибао», «Дагун бао», «Гуанмин жибао» газеталари ва Хитой Халқ Республикасининг бошқа марказий газеталари ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва мустаҳкам ҳамкорлик тўғрисида халқ Хитойининг атоқли олимлари, жамоат арбоблари ҳамда оддий меҳнаткашларининг мақолалари ва фикрларига махсус саҳифалар бағишламоқдалар.

«Дагун бао» газетаси «Хитой-Совет дўстлиги байрами» сарлавҳали бошмақоласида қуйидагиларни ёзади: Бугун, Хитой-Совет дўстлиги жамияти ташкил этилган куннинг ўн йиллиги кунида хитой халқи СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг шу кунларда Хитойда бўлиб, Хитой Халқ Республикасининг ўн йиллиги байрамида қатнашганлигидан ғоят хурсандлир.

«Дагун бао» газетаси яна ёзади: Хитой-Совет дўстлиги жамиятининг бундан 10 йил муқаддам ташкил этилганлиги хитой халқининг Совет Иттифоқига самимий муҳаббатини яққол ифода этди ва ҳар иккала мамлакат халқларининг мустаҳкам дўстлигини ривожлантиришда янги тарихий саҳифа очди.

Сўнгра газета, Совет Иттифоқи халқаро муносабатлар соҳасида Хитойни зўр бериб қўллаб-қувватлаганлигини таъкидлаб ёзади: Хитой халқи ҳам Совет Иттифоқининг халқаро кескинликни юмшатиш ва бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш йўлида зўр ғайрат билан қилаётган ишларини тамомила ва тўла равишда қўллаб-қувватламоқда. Ўртоқ Н. С. Хрушчев АҚШ га қилган визити вақтида ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги таклифни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси мажлисининг муҳокамасига қўйди, АҚШ президенти Д. Эйзенхауэр билан суҳбат қилди ва Америка жамоатчилиги кенг доираларининг вакиллари билан учрашди. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг АҚШ га қилган бу визити халқаро кескинликни юмшатиш соҳасида катта роль ўйнайди. Хитой халқи совет ташқи тинчлик сиёсатининг ана шу буюк муваффақиятини маъқулламоқда.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Хитой Халқ Республикаси ташкил этилган куннинг 10 йиллиги байрамида қатнашиш учун бизнинг мамлакатимизга келганлиги, унинг ўртоқ Мао Цзэдун билан самимий дўстона суҳбатлари Хитой ва Совет Иттифоқининг дўстлиги, жипслиги ва мустаҳкам ҳамкорлигини исбот этувчи янги далилдир. Хитой халқи Совет Иттифоқи бошчилигидаги бутун социалистик лагернинг жипслигини мустаҳкамлашни ўзининг юксак халқаро бурчи деб доим ҳисоблаб келди. Биз, — деб ёзади газета, — хитой ва совет халқлари ўртасидаги улуғ дўстликни доим мустаҳкамлаймиз ва ривожлантирамиз. Хитой-Совет дўстлиги жамияти мамлакатдаги энг оммавий жамоат ташкилотидир. Бу жамият ўз ишида шу вақтгача эришилган муваффақиятлар асосида ўз фаолиятини янада кучайтиради ва ривожлантиради, бу билан Хитой-Совет дўстлигини мустаҳкамлашга янги ҳисса қўшади.

### АВСТРИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФЕДЕРАЛ ПРЕЗИДЕНТИ ДОКТОР АДОЛЬФ ШЕРФ МОСКВАГА КЕЛДИ

СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошиловнинг таклифига мувофиқ, 5 октябрда Австрия Республикасининг федерал президенти доктор Адольф Шерф Москвага келди. Президент билан бирга унинг қизи доктор Марта Кирле хоним, ташқи ишлар министри доктор Бруно Крейский рафиқаси билан, ташқи ишлар министрлигининг статс-секретари доктор Франц Гшпицер ва бошқалар келдилар.

Австрия давлатининг бошлиғини кутиб олиш учун аэродромга СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. Г. Игнатов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Ф. Р. Козлов ва А. Н. Косигин, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. С. Кодица, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси П. П. Лобанов, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССР министрлари, давлат комитетларининг раислари ва бошқалар келдилар.

К. Е. Ворошилов ва доктор А. Шерф микрофон олдида нутқ сўзладилар. (ТАСС).

### ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ФИЛЬМЛАРИ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ

БУДАПЕШТ, 5 октябрь. (ТАСС). Бугун Будапештда машинасозликка доир илмий-техника фильмлари халқаро кинофестивали бошланди. Фестивалда Европа ва Америка мамлакатларидан 17 таси қатнашмоқда. Улар 187 та илмий-техника фильмини кўрикка тақдим этдилар.

Совет Иттифоқи фестивалда 20 дан кўпроқ фильмни, шу жумладан «ТУ-114» самолёти тўғрисидаги ва «Ленин» атом музёрари ҳақидаги фильмларни кўрсатади.

Фестиваль 17 октябргача давом этади.

### Эттли баёноти

ЛОНДОН, 5 октябрь (ТАСС). Лейбористлар ҳукуматининг собиқ бош министри лорд Эттли Ньюда (Ноттингемшир графлиги) сайлов олдидан сўзлаган ўз нутқида давлатлар ўртасида қуролсизланиш бўйича бўладиган музокараларда Н. С. Хрушчев томонидан БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида илгари сурилган таклифларни асос қилиб олишга чақирди.

«Биз бир планетада яшаймиз, буни ҳисобга олиш керак», — деди Эттли.

### Туркияда ишсизлик ўсмоқда

АНҚАРА, 6 октябрь (ТАСС). «Ени гюн» газетаси Туркияда ишсизликнинг ўсиши ҳақида хабар қилади. Агар ўтган йилнинг саккиз ойи ичида, деб ёзади газета, ишчи кучини ёллаш жамияти бошқармасига 383.486 ишсиз мурожаат қилган бўлса, шу йилнинг ана шу даври ичида уларнинг сони 421.936 кишига етди.

«Ени гюн» газетаси жамият ана шу кишиларнинг ярмини ҳам иш билан таъминлай олмаганини таъкидлаб ўтади.

—⊙—

### Ироқ халқ маорифи раҳбар ходимлари делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши

Ироқ маориф министри Муҳитдин Абдил Ҳамид бошчилигидаги Ироқ Республикаси халқ маорифи раҳбар ходимлари делегацияси Ўзбекистонда бир неча кун меҳмон бўлиб турди. Меҳмонлар республикадаги олий ўқув юртлари ва мактабларнинг фаолияти билан танишдилар, Тошкентдаги бир қанча саноат корхоналари ва маданий-оқартув муассасаларида бўлдилар, колхозлардан бирини бориб кўрдилар.

Ироқ халқ маорифи раҳбар ходимлари делегацияси 6 октябрда Тошкентдан Москвага жўнаб кетди. (ЎзТАГ).

# Ёппасига теримга!

(Хатларга обзор)

◇

Областимиз пахта далаларида бу йил ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Пахталар барвақт, қийғос очилди. Эндиликда шу ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун умумхалқ ҳаракати кучайиб кетди. Ўқувчи ва студентлар, ишчи ва хизматчилар, инженер ва техниклар, хуллас ҳамма пахтазорга отланди. Редакциямизга ана шу ватанпарвар кишиларнинг ташаббуси, ғайрати ва шижоати ҳақида кўплаб хатлар келмоқда.

— Университетимизда 5 мингга яқин киши ўқийди, — деб ёзади Ўрта Осиё Давлат университетининг студенти **Ш. Шералиев**, — биз ўтган йили ҳам Бўка район пахтакорларига қарашган эдик. Бу йил ҳам шу районга келдик. Келган кунимизданоқ теримни бошлаб юбордик. Филология факультети студентларидан тузилган зарбдор бригаданинг ҳар бир аъзоси 7 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олган.

Оққўрғон районидаги 3 та мактабнинг 1500 дан ортиқ ўқувчиси терим бошлангандан бери Ворошилов номли, Тельман номли колхоз пахта далаларида теримда иштирок этмоқдалар, «тома-тома кўл бўлур» деганларидек ўқувчилар тўплаган килограммлардан тонналар ҳосил бўлмоқда. Ўқувчилар бир кунда 4 минг килограммга етказиб пахта термоқдалар. Бу ҳақда шу мактабнинг ўқувчиси **Н. Мадаминов**, ўқитувчилардан **М. Ойдинов** ва **М. Юсупов**лар бизга хабарлар ёзиб юборганлар.

Сирдарёлик **Т. Солиев** эса райондаги 4-ўрта мактаб ўқувчилари ўтган йили «Қизил октябрь» колхозининг 350 тонна пахтасини териб берганликлари, бу йил эса 500 тонна пахта териш мажбуриятини олганликлари тўғрисида, ҳозир кунига 14—15 тоннадан пахта тераётганликлари ҳақида хабар қилади.

Ўрта Чирчиқ районидаги 3-ўрта мактаб Карл Маркс номли колхоз территориясига жойлашган. Бу мактабнинг ўқувчилари шу кунгача колхознинг 80 тоннага яқин пахтасини териб бердилар. Ўқувчилардан Ўрунбоева, Жуманов, Пирназарова, Ғаниева, Очилова сингари чевар теримчилар кунига 80 — 100 килограммдан пахта термоқдалар, деб ёзади қишлоқ мухбири **Р. Отақулов.**

Бундай хушхабарларни Орджоникидзе районидан **Н. Қаюмов**, Чиноз районидан **Т. Имомов** ва **Ғ. Турсунхўжаев**лар ҳам ёзиб юборганлар.

Тошкент енгил саноат ва қишлоқ хўжалиги техникумлари, Охунбобоев номли медицина билим юрти, Тошкент театр рассомчилик санъати институти, Ўрта Осиё политехника институти, Тошкент, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти студентларининг теримдаги ташаббуслари ҳақида **И. Убайдуллаев, М. Пейсенов, М. Эргашев, А. Ҳафизов, А. Исматов** ва **М. Маҳмудов** ўртоқлар ҳам хабар юборганлар.

Бу хабарлар областимиз пахта далаларида терим суръати тобора қизитилаётган шу долзарб кунлардан унумли фойдаланиш учун ёппасига теримга киришилганлигидан далолат беради.

Мухбиримиз билан суҳбатда

## Янги пахта териш машиналари синаб кўрилаётир

Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши машинасозлик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ш. Хўжаев мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— «Ташсельмаш» заводи коллективи мамлакатимиз пахтакорларининг оғирини енгил қилиш, уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, қисқаси пахтачиликдаги ҳамма ишларни комплекс механизациялаш вазифасини бажаришга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Корхонада тайёрланган жуда кўп қишлоқ хўжалик агрегатлари, жумладан пахта териш машиналари барча пахтакор республикаларда фойдаланилмоқда.

Бу йил корхона ишчилари шу вақтгача тайёрланганларига нисбатан анча мураккаб, қувватли, такомиллашган, бир йўла икки қатордаги ҳосилни терувчи пахта териш машиналарини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар.

Тошкент областидаги «Малик», Жанубий Қозоғистон областидаги «Пахтаорол» совхозлари ва бошқа хўжаликларда ХВС — 1, 2 маркали вертикаль шпинделли пахта териш машиналари синаб кўрилмоқда. Бунда янги пахта териш машиналарининг бундан илгари ишлаб чиқарилган шундай агрегатларга нисбатан жуда катта афзалликлари аниқланди.

Янги машиналарнинг унумли ишлаши алоҳида қайд қилинмоқда. Уларнинг ҳар бири билан кунда 6 — 8 тоннадан «оқ олтин» териб олинаётир. Ҳайдовчиларнинг айтишига қараганда, агар пахта қийғос очилган ва ҳосили мўл бўлса, бир кунда 12 тоннага етказиб пахта териш мумкин.

Янги машиналар шу вақтгача фойдаланиб келинаётган агрегатларга қараганда кўсаклардаги ҳосилни анча тоза йиғиб олади, нобудгарчиликни бирмунча камайтиради. Айниқса янги машинада механик-ҳайдовчиларга катта қулайликлар туғдириб берилган. Машинанинг ҳаракатланувчи қисмлари гидравлика ёрдами билан бошқарилади. Шунинг учун ҳам уни бошқариш осон.

Янги машиналарда ҳайдовчининг ўрни ва барча аппаратлар олд томонга жойлашган. Унинг ёғиб қолган ғўзаларни кўтариб қўювчи махсус аппаратлари бор.

Механик-ҳайдовчилар бу машинанинг яратилиши пахта териш техникасини яратиш йўлида олға қўйилган катта қадам демоқдалар.

---

## Вилтга қарши кураш юзасидан кенгаш

**Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси 7 октябрда вилтга қарши кураш юзасидан кенгаш ўтказади. Бу кенгашда қатнашиш учун Москва, Ленинград, Ўрта Осиё республикалари, Украина, Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон илмий тадқиқот ташкилотларининг вакиллари Тошкентга кела бошладилар.**

**Совет Иттифоқининг таниғли мутахассислари — фитопатологлар, микрологлар, биохимиклар, физиологлар колхоз, совхозларнинг агрономлари ва раҳбарлари билан биргаликда, пахтанинг ҳавфли касаллиги вилт билан кураш соҳасида фаннинг ва илғор практиканинг эришган муваффақиятларини умумлаштирадилар. Кенгаш қатнашчилари вилт билан заҳарланган пахта майдонларининг аҳволи билан танишиб чиққанларидан кейин ана шу майдонлардаги ғўзани соғломлантириш ҳақида хўжаликларга ва илмий ташкилотларга ўз тавсияларини тақдим этадилар.**

**Кенгаш беш кун давом этади.**

(ЎзТАГ).

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Кеча Тошкент ва Тошкент областида ҳаво ўзгариб турди, ёғингарчилик бўлмади. Кундуз соат 3 да Тошкентда 18, областда 18—20 даража иссиқ бўлди.

Бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво ўзгариб туриши, айтарлик ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Тошкентда 13 — 15, областда эса 13 — 18 даража иссиқ бўлади.

1- Ташпромторгга қарашли 95- магазинда товарларни танлаб олишда харидорларга қулайлик туғдирилган. Сотувчи Раъно Қосимхўжаева савдо техникуми ни битиргач шу магазинга ишга кирган эди. Қисқа вақт ичида Раъно энг яхши сотувчилардан бирига айланди. У ҳозир планни 120 — 130 процентга етказиб бажармоқда. Суратда: ўртоқ Р. Қосимхўжаева иш устида.

А. Абалян фотоси.

## Фаровонлик далили

Тошкент шаҳри ва областимиз районларидаги саноат корхоналарида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчи, колхоз ва совхоз далаларида пахтадан мўл ҳосил етиштираётган колхозчи ҳамда совхоз ишчиларининг моддий фаровонлиги тобора юксалиб бормоқда.

Кейинги йилларда ўз меҳнат жамғармаларини омонат кассаларига қўяётган меҳнаткашларнинг сони тобора ортмоқда. Омонат кассаларига аъзо бўлувчиларнинг кундан-кун кўпайиши бунинг ёрқин далилидир. Агар шу йилнинг 1 январида пойтахтимиз омонат касаларидаги жамғарма 710 миллион 482 минг сўм бўлса, 15 сентябрга келиб 750 миллион сўмдан ошди. Омонат кўювчиларнинг сони эса 1 январда 327.200 киши бўлган бўлса, 15 сентябрга келиб бу рақам 108.459 кишига кўпайди.

Областимиз районларидаги омонат кассаларининг кўрсаткичлари ҳам эътиборга сазовордир. Шу кунларда область районларидаги омонат кассаларида 56409 ишчи, 51738 хизматчи ва 21077 колхозчи ўз меҳнат жамғармасини сақламоқда.

Юқоридаги кўрсаткичлар меҳнаткашларнинг моддий турмуши яхшиланиб бораётганини, халқимиз маданий ҳаётга, орзу-ҳаваса интилаётганини яққол кўрсатиб турибди.

В. МУСАЕВ.

## Студентлар ҳунар ўрганмоқдалар

Мактабларда таълим-тарбия ишларининг янги Қонун асосида қайта қурилиши институтларда педагоглар тайёрлаш процессига ҳам бир қанча ўзгартишлар киритди. Эндиликда етишиб чиқаётган ёш педагоглар мактабларда политехника таълимини олиб бориш учун ишлаб чиқариш билан яхши таниш бўлишлари керак.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти мисолида ўқитувчилар тайёрлашда қандай ўзгаришлар бўлаётганини кўриш мумкин. Институтнинг физика-математика факультетидаги физика ва меҳнат бўлимини олайлик. Бу бўлимнинг 80 га яқин студенти «Ташсельмаш» заводида машинашунослик фани юзасидан ишлаб чиқариш практикаси ўтказди. Бўлажак педагоглар заводда токарлик, слесарлик, пардозловчи ҳунарларини ўргандилар.

Р. АЗИМОВ.

### Телевизор экранида

**8 ОКТЯБРДА**

**19.30. Мактаб ёшигача бўлган болалар учун эшиттириш «Сиҳрли қовоқ» деган телепостановка.**

**19.50. Ўзбек тилида ГДРнинг 10 йиллигига бағишланган эшиттириш.**

**20.05. «Гвинеялик меҳмонлар» деган ҳужжатли фильм.**

**20.25. Сўнгги ахборот.**

**20.45. Бадиий фильм — «Улар бир-бировларини билардилар».**

**22.05. «Пойтахтимиз меҳмонлари» циклидан эшиттириш. Свердлов номли концерт залидан пианист Игорь Жуковнинг концерти олиб кўрсатилади.**

## Қишда ҳам ёздагидек бўлади

Йўлкадаги анвойи гуллар атрофида сайр этиб юрган киши қаршисида чемодан кўтариб келаётган ошнасини кўриб, қувониб кетди.

— Яна бирга дам олар эканмиз-да!

— Албатта.

Қадрдон дўстлар бу гал ҳам дам олиш уйида учрашишди. Улардан бири Оҳангарон шахтасининг забойщиги Хусниддинов, иккинчиси Тошкентдаги «Ўзбексельмаш» заводининг цех бригадири Ефим Левиндир. Бу ишчилар меҳнат отпускаларини ҳар доим Қибрайдаги «ВЛКСМ 25 йиллиги» дам олиш уйида ўтказишади. Ҳар сафар бу ердан мамнун бўлиб қайтишади.

Дам олиш уйида вақтни кўнгилли ўтказиш учун зарур шароитлар яратилган. Ходимлар дам олувчиларга жуда яхши муносабатда бўладилар. Бу ерни яна ҳам намунали кўнгилочар жойлардан бирига айлантириш учун 600 минг сўм қўшимча маблағ ажратилди. Бу маблағ билан дам олиш уйини қишки мавсумга тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди. Шу муносабат билан 100 ўринли ётоқхона биноси қурила бошланди. У битгач дам олиш уйи қишда бирйўла 220 — 250 кишини қабул қиладиган бўлади.

Ёнингарчилик кунларида ҳам дам олувчиларнинг очиқ ҳавода овқатланишларини йўлга қўйиш учун катта айвон қурилаётир. Қишлик танца ва спорт майдонлари янги мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Хуллас, «ВЛКСМ 25 йиллиги» дам олиш уйида ҳордиқ чиқарувчилар учун қишда ҳам ёздагидек ҳамма шароит яратилади, барча нарса муҳайё қилиб қўйилади.

С. ЙЎЛДОШБОЕВ.

### Бугун «Ташкентская правда» газетасида

Газетанинг биринчи бетида пахта йиғим-теримининг бориши тўғрисида ва партиямиз жанговар Чақириқларига бағишланган хабарлар босилган.

Иккинчи бетда «ёзувчиларнинг буюк ассамблеяси» сарлавҳали мақола ва А. Павлованинг коммунист рационализаторлар ҳақида ёзилган зарисовкаси бор.

Газетанинг учинчи бети Германия Демократик Республикаси ташкил этилган кунининг ўн йиллигига бағишланган.

Тўртинчи бетда маҳаллий ва четэл хабарлари босилган.

## Ҳаваскорлар студиясида

**Чирчиқдаги ҳаваскорлар киностудияси 3 йилдан бери ишлаб турибди. Студияга 30 дан ортиқ кино ҳаваскорлари қатнашиб, ҳар хил киножурналлар яратмоқдалар. Суратда: ҳаваскор оператор Ш. Калюй социалистик Чирчиқнинг қайноқ ҳаётини тасвирловчи киножурналга сурат олмоқда.**

О. Левак фотоси.

## БИЗГА ЁЗАДИЛАР

### ЕШ ПОЛВОН

Яқинда Қорасув район маданият уйининг ҳаваскор полвони Фатҳулла Лутфуллаев Пискент районининг «Гулистон», Калинин номли ва Энгельс номли колхозларида бўлиб, пахтакорларга тамошалар кўрсатди. 26 ёшли бу полвоннинг 130 килограмм юкни гишинда кўтариши, устига беш кишини чиқариб ўйинга тушиши ва қорни билан ерга ётиб, 17 кишини кўтаришини ҳамма мароқ билан тамоша қилди. Колхозчилар ёш полвон хизматидан мамнун бўлишди.

С. Зиёҳўжаев.

### МЕТЕОРОЛОГЛАРДАН ХУРСАНДМИЗ

Гулистон районидаги «Золотая Орда» посёлкасида бундан икки йил муқаддам гидрометеорология станцияси ташкил қилинган эди. Станция ходимлари кундалик об-ҳавони диққат билан кузатиб, зарур маълумотларни аниқлайдилар. Об-ҳавони кузатиб турувчилардан Лида ва Гиома Шайдуллиналар ҳар кунги маълумотларни махсус кўрсаткич тахтасига мунтазам равишда ёзиб борадилар. Посёлка аҳолиси ана шу тахтачадан об-ҳаво маълумотларини олдиндан билиб туради.

Х. Халилов.

### ДИҚҚАТ БИЛАН ТИНГЛАШАДИ

Сирдарё районидаги «Социализм» совхозининг биринчи бўлимидаги радиоузел эшиттиришларини совхоз ишчилари эътибор билан тинглайдилар. Радиоузел орқали берилаётган «Мактаб ва оила», «Коммунистик қурилишнинг улуғвор программаси» каби ва бошқа актуал темалардаги лекциялар тингловчиларга кўп маълумотларни беради. Бундан ташқари совхозда пахта тайёрлашнинг бориши ҳақидаги маълумотлар ҳам радио орқали эшиттириб турилади. Шу кунларда радиоузел эшиттиришлари пахта йиғим-теримини кучайтиришга, «оқ олтин»ни нобуд қилмасликка қаратилган.

И. Рустамов.

## ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

### Фабрика спортчилари

Спорт Тошкентдаги «Қизил тонг» фабрикаси ёшларининг севимли машғулотига айланиб қолган. Соғлом танда соғ ақл деган қоидага спортчи ёшлар қатъий амал қилишади. Корхонада ишлаб чиқариш гимнастикаси намунали йўлга қўйилган. Ишчилар ҳар куни ўз агрегатлари, машиналари ёнида икки марта қисқа муддатли гимнастика машқини бажаришади. Бу улардаги чарчоқни йўқотади, кун бўйи гайрат билан ишлашни таъминлайди.

Фабрикада волейбол, гимнастика, шахмат-шашка, енгил атлетика ва велоспорт каби ўндан ортиқ спорт секциялари бор. Слесарь Кучмин, прораб Скрипний каби 8 ишчи секция машғулотларига актив қатнашиб, мотоциклни мустақил бошқаришни ўрганиб олдилар. Токарь Юсупов волейбол бўйича, конструктор Аминов велоспорт бўйича тренер бўлиб етишдилар.

— Дам олиш кунлари, — дейди Аминов, — 25 — 30 километрли масофага пойга ўтказиб турамиз. Яқинда Тошкент — Янгийўл маршрути бўйича ўтказилган пойгада велосипедчилардан Василевская ва Димитрова ўртоқлар III разряд нормасини бажардилар.

Енгил атлетика секцияси қатнашчиларининг ҳам кўрсаткичлари ёмон эмас.

Фабрика спортчилари «Иркутский алюминстрой» трести қурувчилари бошлаб берган ташаббусни қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Яъни бир спортчи ўз ёнига икки ўртоғини тортмоқда. Масалан, тикувчи Нурникова ўз цехида ишлайдиган Гришина ва Батулинларни волейбол секциясига тортди. Арзаев, Аминов, Горбатова каби ишчилар енгил атлетика секциясига қатнашмоқдалар. Ҳозир фабрика спортчиларининг сони 300 дан ортди. Улар йил охиригача ўз сафларини 450 кишига етказиш учун курашмоқдалар. Шу билан бирга спорт базаларини қишга намунали тайёрлаш чораларини кўраётирлар.

Я. ТУРҒУНОВ.

### ТОШКЕНТЛИК ШАШКАЧИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Харьков шаҳрида командалар ўртасида шашка бўйича СССР биринчилиги учун ўтказилган мусобақа тамом бўлди. Тошкентлик ёш шашкачи С. Гуляев катта муваффақиятни қўлга киритди. У 13 имконияттан 9,5 очко олди. Бу мусобақада С. Гуляев билан бир неча марта СССР чемпиони номини олган Сретенскийлар биринчи ҳамда иккинчи ўринларни бўлашиб олдилар.

И. БИРБРАГЕР,
**шахмат композицияси бўйича СССР спорт мастери.**

### РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

Кеча марказий «Пахтакор» стадионида «Химик» (Чирчиқ) ва «Меҳнат» (Тошкент) командалари ўртасида футбол бўйича Ўзбекистон ССР биринчилиги учун ҳал қилувчи учрашув бўлиб ўтди. Бу икки команда биринчилик учун бўлган ўйинларда ҳеч мағлубиятга учрамаган эди. Улар ўртасидаги учрашув 1959 йилги республика чемпионини аниқлаб берди. Бу шарафли номни 1:0 ҳисоби билан ғалабага эришган «Меҳнат» командаси олди. Шундай қилиб бу комэнда республика чемпиони номини олди.

Л. ПЬЯНЦЕВ.

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

Пойтахтимизнинг Театр майдонида очилган шаҳар ярмаркаси ҳали ҳам одамлар билан гавжум. Ярмарка павильонларидаги хилма-хил моллар кўзингизни қувнатса, шу атрофда яхши пазандалар томонидан тайёрланаётган палов, кабоб, манти, қовурма шўрва, лағмон ва бошқа ўзбек миллий таомларининг хушбўй ҳиди иштаҳангизни қўзғайди.

Тошкент шаҳридаги ресторан ва ошхоналар трестларининг ўнга яқин ошхонаси, олтита чойхона, 25 дан ортиқ буфет ярмаркага келувчи харидорларга маданий хизмат кўрсатмоқда. Бу умумий овқатланиш муассасалари ярмарка атрофида ҳаммаси бўлиб 2 мингдан ортиқ жой тайёрлаганлар.

Октябрь ресторан ва ошхоналар трестига қарашли 14-ошхонанинг филиали ярмарканинг шарқий томонига жойлашган. Бу ерда тайёрланаётган палов, кабоб, лағмон, манти, сомса, қовурма шўрва, яхна гўшт, қовурилган балиқ ва бошқа таомлар ҳўрандаларга манзур бўлмоқда. Филиалнинг 450 та жойи бор, ҳар куни бу ерда 7—8 минг киши овқатланади. Уларга 30 дан ортиқ киши хизмат кўрсатаяпти.

— Бундан ташқари, — дейди 14-ошхона директорининг ўринбосари Убай Иноятов, — ошхона нонвойхонасидан ҳар куни 5 мингдан ортиқ иссиқ нон келтириб сотаяпмиз. Ҳар куни 25 минг сўмликдан кўп тайёр таомлар сотиб, 10 кунлик топшириқни муддатидан илгари бажардик. Пландан ташқари 100 минг сўмлик таом сотилди.

Ошхона филиалининг ошпази Ғ. Исломов, қовурма шўрва ва лағмон пазандаси О. Рамазонов, кабобларни сифатли тайёрловчи А. Аҳмедов ўртоқлар ҳўрандаларга яхши хизмат кўрсатишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Суратларда: 1. Ошхонада овқатланиш пайти. 2. Ошпаз ўртоқ Гулом Исломов лазатли палов тайёрлади. 3. Ўртоқ Зуннун Тайпов пиширган кабоблар ҳаммага манзур бўлмоқда.

В. Салов фотолари.

### Тошкентнинг тамоша эълонларида

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/X да **Жизель**, 8/X да **Майсаранинг иши**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 9/X да **Ўзбекистон санъат усталарининг катта концерти**. Кеч соат 9 да бошланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 7/X да **Украин давлат цирки артистларининг** ва **Анатолий Шаг аттракцион труппасининг гастроллари**. Кеч соат 8 да бошланади.

«РОДИНА» — эрталаб соат 11, кундуз 1, 3 да **Париж чеккасида**, кеч 5 дан кенг экранли фильм **Юхан**.

«ОКТЯБРЬ» — **Пирсдаги соя**. «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), КАФАНОВ номли, ПУШКИН номли, «УДАРНИК» — янги бадиий фильм **Поезддан тушган киши**.

НАВОИЙ номли (қишки, кундуз ва кечқурун), «ВАТАН», НАВОИЙ номли (ёзги), ТЕЛЬМАН номли — янги бадиий фильм **Тинчликнинг биринчи куни**.

«9 МАЙ» — кеч соат 7-40 минутда **Чавандоз қиз** (ўзбек тилида), кеч 9 яримда **Дўстим ҳақида**.

«ФЕСТИВАЛЬ» — кенг экранли фильм **Юхан**.

СТЕПАН РАЗИН номли — кеч соат 7 яримда **«Орёл 101»**, кеч 9 да **Тинчликнинг биринчи куни**.

«СПУТНИК» — кундуз ва кечқурун: 1- залда **Поезддан тушган киши**, 2- залда **Шоирнинг тақдири**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

8, 10, 11 октябрда

Ўзбекистон халқ ҳофизи **Маъмуржон Узоқовнинг**

### катта эстрада концертлари

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Охунжон қизиқ Ҳузуржонов, Муҳаммаджон Мирзаев**, солистлардан **Зайнаб Полвонова, Башорат Хўжаева, Муҳаббат Мусаева, Тўхта Рисметова, Нина Гайерлар** қатнашади.

Халқ чолғу асбоблари оркестри жўр бўлади.

Программани **М. Мусаева** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар театр кассасида кундуз соат 2 дан ва район кассаларида сотилади. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.


АТЕИСТИК ПЛАКАТЛАРГА

Ўзбек тилида чиқадиган

**„Ислом дини ва унинг синфий моҳияти"**

**НОМЛИ ИЛМИЙ-АТЕИСТИК**

плакатлар сериясига

**ОБУНА ҚИЛИШ БОШЛАНДИ**

Бу серия рангли 12 та плакатдан иборат бўлиб, обуначиларга 1960 йилнинг биринчи ярмида бир йўла юборилади.

**Сериянинг баҳоси:** юбориш ва жойлаш чиқимлари билан — 40 сўм.

Плакатлар сериясига ўқув юртлари, колхоз, совхоз, клуб, қизил чойхона, тамошаноналар ва республиканинг ҳамма маданий-оқартув ташкилотларида илмий-атеистик пропаганда олиб бориш учун зарур ва фойдали қўлланмадир.

Обуна «Союзпечать» органларида, республика почтахоналарида, шунингдек фабрика, завод, колхоз, совхоз ва ўқув юртларидаги жамоатчи обуна тарқатувчилар томонидан қабул қилинади. **Бирлашган нашриёт.**

1960 й.


РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50, Эълонлар бўлими — 28142.

Р 07353. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. 9 Нашр. Б-19